

## ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА КРИМИНАЛИСТИКАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жамолдинов Мироншоҳ Дилмурод ўғли

Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11158225>

**Аннотация.** Ушбу тезисда жиноятчиликка қарши курашишда криминалистиканинг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Жиноятчилик, ҳуқуқ, криминалистика, суд, экспертиза, тезкор-қидирув.

### THE ROLE AND IMPORTANCE OF CRIMINOLOGY IN FIGHTING CRIME

**Abstract.** This thesis presents information about the role and importance of criminology in the fight against crime.

**Key words:** Crime, law, criminalistics, court, expertise, rapid search.

### РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ КРИМИНОЛОГИИ В БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ.

**Аннотация.** В данной диссертации представлены сведения о роли и значении судебной экспертизы в борьбе с преступностью.

**Ключевые слова:** Преступление, закон, криминалистика, суд, экспертиза, оперативный розыск.

---

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолияти самарадорлиги жуда кўп жиҳатдан замонавий фан ва техник ютуқларидан фаол ва ўз вақтида фойдаланишга боғлиқ.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда суд хатшунослик экспертизасининг ҳиссаси бекиёсдир. Эксперт-криминалистика хизматларининг амалий фаолиятида ушбу турдаги экспертиза кенг тарқалган турлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, жиноят содир этишда замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш бутун дунёда тобора оммалашиб бораётганлиги сабабли шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш учун айблилигини судда илмий-техник асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнларни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ва суд ҳаракатларида далилларни тўплашда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, хусусан криминалистик илмий услуб ва воситаларни қўллаш амалиётини янги bosқичга олиб чиқиш лозим эканлиги ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликларни замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўз вақтида аниқлаш ва қисқа муддатларда фош этиш, ашёвий далилларнинг криминалистик тадқиқотларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг бу борадаги имкониятларини ошириш мақсадида ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини янада такомиллаштиришнинг зарурати туфайли 2022 йилнинг 3 февраль санасида “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-122 сонли Ўзбекистон Респбликаси Президентининг қарори имзоланди. Айнан ушбу қарор орқали Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини тубдан такомиллаштириш чора тадбирларининг белгилаб берилганлиги ҳам бугунги кунда ушбу соҳага бўлган қизиқиш ва эътиборнинг юқори эканлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, жинойт содир этишда замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш бутун дунёда тобора оммалашиб бораётганлиги сабабли шахснинг ижтимоий хавfli қилмиш учун айблилигини судда илмий-техник асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнларни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Жинойтчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ва суд ҳаракатларида далилларни тўплашда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, хусусан криминалистик илмий услуб ва методларини қўллаш амалиётини янги босқичга олиб чиқиш лозим.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган куйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда:

1. Олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш бугунги кун талаблари.

2. Доимий равишда воқеа жойларига чиққан тергов-тезкор гуруҳи ходимларининг воқеа жойини сифатли кўздан кечириши ва, айниқса, эксперт-кримипалист ходимлариининг далилий ашёларни олиш, жиноят содир этилган жойи атрофида тезкор хабарларни олиш, шунингдек, "иссиқ изидан" фош этиш бўйича ички ишлар идораларининг барча куч ва имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилиши белгиланган.